

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИККА ЭРИШИШ МЕЗОНИДИР

Абжаслова Манзура,

Навоий давлат кончилиқ институтини

Ахборот-ресурс маркази Илмий-услубий бўлим бошлиғи

In this article it was identified about the forms of «Popular Culture», the factors which creating it, and the measures of fight against this odd culture.

Бугунги кунда ёшлар онгини махв этаётган, маънавиятни йўқотишга чоғланган, соғлом ҳаётини издан чиқараётган «Оммавий маданият» эртасини ўйлаган инсонларни ташвишга солмоқда. «Оммавий маданият» бирикмаси асли «Ғайримаданият» сўзининг ниқобланган кўриниши бўлиб, бу билан «Оммавий маданият»ни юзага келтирувчи кимсалар тарғиб қилаётган ушбу «маданият»ига «умумхалқ учун», «ёшлар учун», «машхурлик маданияти», дея изоҳ бериб, ёшларни тобора ғайримаданият вакилига айлантириб қўйишмоқда.

«Оммавий маданият»ни юзага келтиришда қуйидаги омилларга урғу берилади:

Тарихий хотирани сусайтириш;

- жамиятдаги бирдамликка путур етказиш;

- анъанавий қадриятларни емириш;

- халқни маънавий илдизларидан маҳрум этиш;

- соғлом ақлни «ўчириш»;

- ахлоқсизликни тарғиб қилиш;

- инсоннинг энг тубан майллари, ҳайвоний ҳирслари, нафсини кўзга.

Кўриниб турибдики, «Оммавий маданият» негизида инсонни мустақил фикрдан маҳрум қилиш, уни ўзлигини унутган кимсага, манқуртга айлантириш мақсади ётибди. Мана шу инсон онгу шуурини эгаллашнинг, бошқача айтганда, мустамлакачиликнинг янги кўринишидир.

«Оммавий маданият» кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Китч (заррача бадий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тагига қисқа матн ёки лўқмалар битилган беҳаё матбаа – расм маҳсулотлари), старизм (субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш), хеппинг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган «кескин» томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб синдириш ёхуд ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий «кўнгил очиш»лар уюштириш) «оммавий маданият»нинг айрим кўринишларидир.

«Оммавий маданият» да қуйидагилар мода ҳисобланади:

1. Кашандалик

2. Алкоголизм

2. Татуировка

3. Старизм – субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш.

4. Тор ва очик кийиниш

5. Сўкиниш

6. Порнография билан шуғулланиш

7. Бир жинсли никоҳ қуриш

8. Зўравонлик. Аянчлиси шуки, аксарият ёшлар ХХI аср мода-си, дея ғайримаданият иллатларини кўз-кўз қилиб, бу билан ўзларида фахр туйғусини туйиб юришмоқда.

«Оммавий маданият» барча учун мақбул бўладиган маданиятни тарғиб қилмайди, балки юксак маънавият илдизига болта уради, онгу шууримизни тубанлаштиради, ёшларимизни манқуртга айлантириш пайдан бўлади. Шундай экан, «Оммавий маданият»га қарши курашиш иммунитетини шакллантириш учун нима қилмоқ керак?

«Оммавий маданият»га қарши курашишда баркамол авлодни тарбияламоқ даркор. Баркамол авлод тарбиясида қуйидаги уч бирлик алоҳида ўрин тутди: **оила → бола атрофидаги муҳит → боланинг дўстлари.**

Оилада таянч тарбия олинади. Психологларнинг қайд этишича, бола 5 ёшгача умри давомида олиши мумкин бўлган маълумотлар-

нинг 80%ни миясига жойлаб олар экан. Маълумот ва билимларнинг 20%ни эса қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Шу боис ота-оналар ўз фарзандларининг ҳар бир саволига «билмайман», «бор, кет, ўйинчоқларингни ўйна» тарзида эмас, балки фарзанди тушунадиган қилиб, мазмунли ва қизиқарли жавоб бермоғи лозим. Шундагина боланинг мия фаолияти тақлид қилишдан мушоҳадага ўтади.

Ота-оналар ўз фарзандларига компьютер технологиялари асли қандай эзгу мақсадларда ишлатилиши даркор, телефон аппарати нима учун керак, телевизор орқали қандай телеканалларни кўриш лозим, инсонлар билан суҳбатлашганда қандай одоб қоидаларига амал қилиш керак, ўзга кимсалар ҳақида фикр билдирганда улар устидан шикоят қилса, «тилидан ари чақиб олиши»ни, компьютерда ўйин ўйнаса, «бошидаги ақли камайиб, ҳайвончаларга ўхшаб гапиролмай қолиши» тушунтирилса, бола шунга ишониб, тўғри йўл тутати ва бу ҳолат бора-бора одат тусига киради.

Кичик ёшдаги болалар дўст танламайди, улар қайси боланинг ўйинчоқлари кўп бўлса, ўша бола билан бирга ўйнайди ва унинг хатти-ҳаракатларидан ўрнак олади. Бундай ҳолларда ота-оналар сўқиниш сўзларини кўп ишлатадиган, бачкана ҳаракатлар қиладиган шумтака болаларнинг ўзини тутиши ва сўзлашларига тўғри изоҳ беришлари ва ўз фарзандларига уларга ўхшамаслик кераклигини уқтириб боришлари лозим. Шунингдек, қайси болалар билан бирга ўйнаса, дўст тутинса, яхши ва ақли бола бўлишини тушунтириш лозим.

Жамиятга кириб келган ёшларга эътибор қаратмоқ даркор. Бунинг учун:

1. Мактаб ёшидаги ўқувчиларни турли тўғарақларга жалб қилиш (спорт, ҳунар ва фан тўғарақлари, ёш ижодкорлар тўғараги каби);

2. Миллий-маданий марказларга, музейларга тез-тез саёҳатларни уюштириш;

3. Маънавият, адабиёт каби дарсларда янги нашр қилинган ва дурдона адабиётлар билан ўқувчиларни таништириб бориш (китоб ўқишга жалб қилиш);

4. Ўқувчиларга (асосан бошланғич синф ўқувчиларига) компьютер ўйинларининг салбий таъсирларини, виртуал олам нима эканлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб бориш керак.

Шунингдек, маънан етук ёшларни қуйидаги омиллар негизида тарбияламоқ лозим:

1. Тарихий хотирани кучайтириш;

2. Жамиятдаги бирдамлик, уюшқоқлик олий қадрият эканлигини сингдириш;

3. Миллий урф-одатларимизни, анъана ва либосларимизни ёшларнинг кўнглини тўлқинлантирадиган даражада намоён этиш, натижада, миллий руҳни ёшлар даврасига олиб кириш;

4. Ёшларни ўзларининг ақлий фаолиятларини кучайтиришга ундаш;

5. Ўтган буюк аجدодларимиз билан нафақат фахрланиб яшаш, балки шундай улуғ намояндалардек бўлиш ҳиссини шакллантириш;

6. Маънавий ва жисмоний баркамол авлод халқимиз фахри эканлигини ёшлар онгига сингдириш лозим.

Мақоламиз бошида келтирилган «Оммавий маданият», яъни ғайримаданиятни юзага келтирадиган омилларга қарши маънавий кураш имунитети ёш авлод қалбига сингдирилса, уларни баргараф этиш йўллари ишлаб чиқилса, маънавий баркамоллик илдилари янада чуқур ёйилади.

Шу боис Республикамиздаги кўплаб ахборот-кутубхоналарда китобхонларни китобга янада яқинлаштириш, уларнинг бадий асарга бўлган иштиёқи, ихлоси ва ҳурматини ошириш, мамлакатимиз нашриётларида чоп этилаётган энг янги болалар адабиёти билан таништиришга онд кўплаб маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Турли ижодий танловлар, адабий викториналар, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, китоб кўргазмалари ўғил-қизлар китобхонлигини юксалтиришдек мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ёшлар онгини чалғитиш учун катта курашлар кечаётган глобаллашув даврида юксак маънавият, одоб-ахлоқ масаласига эътиборни кучайтириш долзарб вазифадир. Ушбу жараёнда, айниқса, ёшларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Вақт, имконият бой берилса, кейин кеч бўлиши аниқ.



FAN, TA`LIM, MADANIYAT VA BIZNESDA INTERNET
VA AXBOROT-KUTUBXONA RESURLARI

«ИНТЕРНЕТ И ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ В НАУКЕ, ОБРАЗОВАНИИ, КУЛЬТУРЕ И БИЗНЕСЕ»
"INTERNET, INFORMATION AND LIBRARY RESOURCES IN SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND BUSINESS"

Central Asia



*XI Xalqaro konferensiya
XI Международная конференция
XI International Conference*

**FAN, TA`LIM, MADANIYAT VA BIZNESDA
INTERNET VA AXBOROT-KUTUBXONA
RESURLARI**

**ИНТЕРНЕТ И ИНФОРМАЦИОННО-
БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ В НАУКЕ,
ОБРАЗОВАНИИ, КУЛЬТУРЕ И БИЗНЕСЕ**

**INTERNET, INFORMATION AND LIBRARY
RESOURCES IN SCIENCE, EDUCATION,
CULTURE AND BUSINESS**

*Konferensiya materiallari
Материалы конференции
Conference Proceedings*

